# СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

«СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими»,

«СССРда хизмат кўрсатган ихтирочи»,

«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи»,

«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман»,

«СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

СССР Юстиция министрлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 1988 йил 1 октябрга қадар СССР Олий Совети Президиумига «СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими», «СССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси» фахрий унвонлари тўғрисидаги низом лойиҳаларини, 1989 йил 1 январга қадар СССР давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш ҳамда СССР орденлари статуслари, СССР медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги низомларга ўзгартиш киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсин, бунда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларини қайта қуриш, мукофотларга тавсия қилиш жараёнини янада демократиялаш вазифаларини ҳисобга олиб, мукофотлаш асосларини аниқлаш кўзда тутилсин.

СССР Юстиция министрлигига, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига, СССР Халқ таълими давлат комитетига, СССР Фанлар академиясига, Совет хотин-қизлари комитетига бошқа манфаатдор министрликлар ва идоралар билан биргаликда кўп болали оналарни мукофотлаш, уларнинг болаларни тарбиялаш ва оилани мустаҳкамлашдаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозимлигини кўзда тутиб, 1989 йил 1 январга қадар кўп болалилик учун СССР давлат мукофотлари билан маънавий рағбатлантиришни такомиллаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш топширилди.

6. Меҳнаткашларни СССР давлат мукофотлари билан тақдирлашга тавсияномалар:

умумиттифоқ ва иттифоқ — республика министрликлари, давлат комитетлари, СССР идоралари системасига кирувчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар ходимларига — тегишли касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда СССР министрликлари, давлат комитетлари, идоралари томонидан;

иттифоқдош республикаларнинг республика министрликлари, давлат комитетлари, идоралари системасига кирувчи корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларига — касаба союзлари республика Советлари билан биргаликда, РСФСРда эса — тегишли касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда: иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан;

колхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативларнинг аъзоларига — касаба союзлари республика Советлари билан биргаликда, РСФСРда эса — касаба союзлари Марказий Комитети билан биргаликда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан, матлубот кооперативларининг аъзоларига касаба союз Марказий Комитети билан биргаликда Центросоюз правлениеси томонидан;

жамоат ташкилотларининг корхоналари, бирлашмалари ва муассасалари ходимларига, ижодий союзларнинг аъзоларига касаба союз Марказий Комитетлари билан биргаликда жамоат ташкилотлари, ижодий союзларнинг умумиттифоқ органлари томонидан бевосита СССР Олий Совети Президиумига тақдим этилади.

Корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларини мукофотлаш тўғрисида меҳнат коллективларининг илтимосномалари район ва шаҳар партия комитетлари ҳамда халқ депутатлари район ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб олинади.

7. Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областлар, автоном областлар, автоном округлар, районлар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, шунингдек меҳнат коллективлари бундан буён СССР орденлари билан мукофотланмасин.

8. Иттифоқдош республикалар Олий Советларининг Президиумларига республикаларда амал қилаётган давлат мукофотлари системасини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳамда бундай мукофотлар билан тақдирлаш практикасини яхшилаш чораларини кўриш тавсия қилинсин. Революцион ва меҳнат анъаналарини ҳисобга олиб, иттифоқдош республикаларнинг атоқли тараққийпарвар миллий арбоблари номини абадийлаштирадиган янги давлат мукофотларини белгиланган тартибда таъсис этиш имкониятлари кўзда тутилсин.

9. Министрликлар, давлат комитетлари ва идоралари, жамоат ташкилотларининг органлари, меҳнат коллективлари, оммавий ахборот воситалари давлат мукофотларига сазовор бўлган гражданларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилиб, меҳнаткашларни, аввало ёшларни уларнинг намунасида тарбиясинлар, бунда ўзининг халқ олдидаги, социалистик Ватан олдидаги бурчини фидокорона, зўр ғайрат ва ижодкорлик билан бажараётган кишиларгина юксак мукофотга муносиб эканлигини ишонарли тарзда кўрсатиб берсинлар.

10. Совет органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари СССР Олий Совети Президиуми томонидан белгилаб қўйилган СССР давлат мукофотларидан маҳрум этиш тартибига оғишмай риоя қилинишини контрол қилиб боришни таъминласинлар, бу ишда юксак принципиаллик кўрсатилишига, номуносиб кишиларда давлат мукофотларининг сақланиб қолиши ҳолларига чек қўйилишига эришсинлар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
**А. ГРОМИКО.**
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1988 йил 22 август.

## СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

### СССР ФАХРИЙ УНВОНЛАРИ СИСТЕМАСИГА АЙРИМ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилсин: «СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими», «СССРда хизмат кўрсатган қурувчи», «СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими», «СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими», «СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

2. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари бекор қилинсин: «СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий учувчи», «СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий штурман», «СССРда хизмат кўрсатган учувчи», «СССРда хизмат кўрсатган штурман», «СССРда хизмат кўрсатган синовчи парашютчи», «СССРда хизмат кўрсатган мелиоратор», «СССРда хизмат кўрсатган конструктор», «СССРда хизмат кўрсатган технолог», «СССРда хизмат кўрсатган машинасоз».

Ушбу моддада санаб ўтилган СССР фахрий унвонлари билан тақдирланган кишилар шу унвонга ва унвон берган ҳуқуқларга эга бўлиб қолаверадилар.

3. СССР Олий Совети Президиумининг 1979 йил 3 июль Фармони (СССР Олий Советининг ведомостлари, 1979 йил, №28, 479-модда; 1982 йил №1, 1-модда, №23, 408-модда; 1984 йил №29, 502-модда, №44, 769-модда; 1985 йил №25, 445-модда, №34, 615-модда) билан тасдиқланган СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий қоиданинг 19-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. СССРнинг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилган:

«СССР халқ ўқитувчиси»,
«СССР халқ врачи»,
«СССР халқ артисти»,
«СССР халқ рассоми»,
«СССР халқ архитектори»,
«СССР космонавт-учувчиси»,
«СССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган қурувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
«СССРда хизмат кўрсатга ихтирочи»,
«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи»,
«СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман»,
«СССР Қуролли Кучларининг хизмат кўрсатган мутахассиси».

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
**А. ГРОМИКО.**
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1988 йил 22 август.

# Коммунистлардан ибрат олиб

**Конференция «Комсомолга партия раҳбарлигининг ленинча анъаналарининг тўла қайта тикланиши, унинг ташкилий мустаҳкамлигига, сиёсий фаолиятида ва сиёсатни ишлаб чиқаришда қатнашиш партия, совет ва хўжалик органларида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига риоя этиш керак, деб ҳисоблайди».** Агар ишга шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бизнинг корхонамиз комсомол комитети ҳар қадамда партиявий ғамхўрлик самарасини ҳис этиб, сезиб турибди. Аввало, бу комсомол йиғилишимизда, ёшларимиз ҳал этолмаган муаммолар ечимида, ветеран коммунистларнинг шахсий ибратида яққол кўриниб турибди. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирай. Яқинда бирлашма партия ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибида бир масала — КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси Резолюцияларни муҳокамаси масаласи қўйилган эди. Коммунистлар ушбу йиғилишда конференция совет жамиятини революцион қайта қуриш ва демократлаштириш жараёнига янги куч-қувват бағишлаганини, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, омма назорати турмуш тарзимиз нормасига, мамлакат социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштиришнинг ишончли гарантиясига айланиб бораётганлигини таъкидладилар. Кўп ўтмай худди шу масалада корхона комсомолларининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Мен юқорида партиявий ғамхўрлик ёшлар ҳал эта олмаган муаммолар ечимида ҳам кўриниб турибди, дедим. Масалан, яқинда корхонамизда чиқитсиз маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлаб ёшлардан чиққан бу ташаббусни коммунистлар, тажрибали ишчилар ва новаторлар чуқур ўрганиб чиқишди. Натижада корхонада янги маҳсулот — гранит безак кошинлари тайёрланадиган бўлди. Айни пайтда бу янги маҳсулотдан юзлаб квадрат метр тайёрланиб истеъмолчиларга жўнатилди. Бундай масалаларни ижтимоий-сиёсий ва маданий масалалар бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Энди коммунистларнинг шахсий ибрати хусусига келсак, бу борада корхонамиздаги ўзаро социалистик мусобақада коммунистлар авангардлигини қайд этиб ўтиш кифоя. Ёки мураббийчилик ҳаракатини олайлик. Корхонада ишга келган ҳар бир ёш дастлаб ўз касбининг усталари бўлган тажрибали мураббийларга бириктириб қўйилади. Ёшлар улардан касб сирларини ўрганишади. Уларнинг жонкуярлиги, меҳнатга бўлган меҳри ва одамийлигидан ибрат олишади.

Корхонамизда 396 комсомол аъзоси фаолият кўрсатяпти. Улар орасида меҳнат илғорлари-ю, келгуси йил ҳисобига ишлаётган донгдорларни кўплаб учратиш мумкин. Айниқса бу борада В. Татаринов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадасининг иши диққатга сазовордир. Гранит плиталар тайёрловчи бу бригада самарали ютуқларни қўлга киритиш билан бирга маҳсулот сифатини ҳам ой сайин яхшилаб боряпти. Т. Йўлдошев, З. Каримов, А. Иванов, А. Загидуллин, Р. Серсенбоев сингари комсомоллар миллатлари турлича бўлишидан қатъий назар бир мақсад йўлида бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ва самаралироқ ишлаш учун тер тўкишмоқда.

Корхонамиз асосан бинокорлик материаллари ишлаб чиқаради. Шундай экан конференция Резолюцияларда баён этилган: **«...Конференция 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш борасида КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани бажариш мақсадида уй-жой қурилишининг ҳажмлари, суръатларини кескин ошириш ва сифатни яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирларни маъқуллайди. Қурилиш индустриясининг занфлиги ва аввало бинокорлик материалларининг етишмаслиги, махсус машина ва ускуналар жуда камлиги давлат, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилиши миқёсларини кенгайтиришга, меҳнат коллективларининг, маҳаллий Советларининг бу ишдаги ташаббусига ҳалақит бераётганини қайд этиб, конференция СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ҳукумат органлари шу масалаларни ҳеч кечиктирмай ҳал этишлари кераклигини маълум қилади»,** дейилган сўзлар биз учун ҳам аҳамиятлидир.

Олдимизда юксак марралар турибди. Бу биринчи навбатда конференция қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб йиллик план-топшириқни ҳам муддатидан илгари бажаришдир. Ўйлаймизки, корхонамиз комсомоллари коммунистлардан ибрат олган ҳолда бу муҳим ишга ҳам ўзларининг самарали ҳиссаларини қўшадилар.

**А. СМИРНОВ,**
**Тошкент «Мармар» ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитетининг секретари.**



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасида линотипчилар кўпчиликни ташкил этади. Шулардан бири Мухтарам Шобилоловадир. Комсомол аъзоси бўлган бу қиз ўтган йили шаҳримиздаги 13-ўрта мактабни битириб корхонага ишга келганди. Муҳтарам жамоат ва комсомол ишларида актив қатнашади.

СУРАТДА: М. Шобилолова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

ВЛКСМнинг 70 йиллигига

# Комсомолнома

(Фахрия)

**Сен — комсомол**
**Саҳроларнинг бағрин гуллатган,**
**Олам аро**
**Она ернинг донғин таратдинг.**
**Сен комсомол,**
**Довруғлари самони тутган,**
**Меҳнат билан,**
**Кураш билан шараф яратдинг.**

⊙

**Инқилобнинг ўтли сурони,**
**Тутганида бутун дунёни**
**Қурол олиб қўлларга маҳкам,**
**Сен ёв сари отилдинг бардам.**
**Жабҳаларда соларок сурон,**
**Дадил юрдинг, комсомол ўғлон!**
**Солмоқчийди бизларга бўғов,**
**Колчак мисол талай қаттол ёв,**
**Сен уларга сочдинг қаҳрингни,**
**Олов йиллар аччиқ заҳрини**
**Енгиб ўтдинг дадил, мардона,**
**Сени севди Ватан — ҳур она.**

⊙

**Қора булут босди самони,**
**Юртга келди зўр синов они.**
**Фашист деган бадкирдор, ёвлар,**
**Солай дея кишан бўғовлар**
**Босиб келди тупроғимизга,**
**Хазон кирди гулбоғимизга.**
**Фиғон чекди муқаддас замин,**
**Юрагингда озодлик ғами.**
**Яна олдинг қўлингга қурол,**
**Жангга кирдинг бир арслон мисол.**
**Сен — Матросов, тўкдинг қонингни.**
**Сен — Эрйигит бердинг жонингни**
**Сен — Зоясан, сўнгсиз матонат**
**Сен — Кошевой, Ульяна, Қудрат...**
**Сен — ҳаётни севган қора кўз,**
**Сен миллион-миллион ўғил-қиз.**
**Қийноқларга этолдинг бардош,**
**Мағрур турдинг тўкмай томчи ёш.**
**Босиб ўтган сўнгсиз йўлларда,**
**Ботқоқларда, ўрмон, чўлларда**
**Неча-неча фидо жон қолди,**
**Сўнгсиз орзу ва армон қолди.**
**Энг сўнгги дам қучдинг сен зафар,**
**Жангдан қайтдинг ғолиб, музаффар!**

⊙

**Жангдан қайтдинг, мағрур комсомол,**
**Енг шимардинг, юрт топсин камол!**
**Вайрон бўлган қишлоқ, ўлкалар,**
**Устида ҳеч қолмас кўлкалар —**
**Дея жавлон урдинг бу фурсат**
**Тикланарди Ватан шу фурсат.**
**Доҳий Ленин солиб нигоҳин,**
**Мирзачўлнинг тинглади оҳин.**
**Ва айлади буюк башорат,**
**Қолмас деди чўлдан асорат.**
**Чўл бағрига арғумоқ солдинг,**
**Сийнасига нур бағишлолдинг,**
**Бўлсин дея эртамиз порлоқ,**
**Қалбинг ёнар комсомол ўртоқ.**
**Истиқболнинг тутиб маёғин**
**Ҳилпиратиб дўстлик байроғин!**
**Москвада улуғ анжуман.**
**Шукуҳларга тўлиқ анжуман.**
**Истиқболнинг кўрсатди йўлин.**
**Қайта қуриш — шарафли йўлинг.**
**Мард комсомол доим омон бўл,**
**Қадами алп, кўкси осмон бўл!**
**Замон ёшлик, шиддат замони**
**Комсомолим, яшнар дунёни!**

⊙

**Тилло бўлди**
**Пешонангдан томган томчи тер.**
**Сурхон даштин**
**Қаҳрамони ўт юрак сенсан.**
**Сенсан ўша**
**Қайта қуриш жабҳасида шер**
**Чини билан**
**Майдон аро арслонга тенгсан.**
**Кўкрагингда**
**Порлар чўғдай Ленин нишони**
**Партиянинг**
**Ҳар бир сўзи — дил-жонинг сенинг!**
**Шундоқ деймиз**
**Қуёш билан туриб юзма-юз:**
**Озод юртда**
**Комсомолдир унвонинг сенинг!**

**Темур УБАЙДУЛЛО.**

# Бахтли кун

(Қатра)

У уйга, ота-онаси ҳузурига шошади. Қалбидаги олам-олам қувончини энг азиз кишилари билан баҳам кўришга ошиқади. Катта йўл бўйлаб югургилаб бораркан, беихтиёр отаси билан бўлиб ўтган кечаги суҳбатни эслайди.

— Комсомолга ўтаяпман дегин?

— Шундай, адажон.

— Яхшилаб тайёрландингми?

— Бериладиган барча савол-жавобларни деярли ёдлаб олдим.

— Ёдлаб олиш билан иш битмайди, қизим. Қани айтчи, Абдулла Набиев ким бўлган?

— Комсомол. Босмачилар отиб ўлдирган.

— Зоя Космодемьянскаячи?

— Комсомол аъзоси эди. Унинг қийноқларга бардоши ва ўлими олдидан нутқи фашистларни саросимага солиб қўйган.

— Олег Кошевойни биласанми?

— «Ёш гвардия» китобининг қаҳрамони. Краснодон комсомолларининг етакчиси бўлган.

— Баракалла қизим, мен бу саволларни сенга бежиз бермадим. Ҳақиқий комсомол ана ўшалардек бўлиши керак. Ватанга садоқатли, умумхалқ ишининг жонкуяри, қолаверса одоби, ўқиши, юриш-туриши билан ҳаммага намуна бўлиши керак...

Бугунги район комсомол комитетига тўпланганлар ҳам деярли шу йўсин гапларни айтишди. Айниқса, биринчи секретарнинг гапи унинг эсидан чиқмай қолди.

— Комсомол ҳар бир ишда авангард бўлиши керак. Қайта қуришнинг фидойиси бўлмоғи даркор.

«Хўш, мен шундай бўла оларканманми?». Негадир шу дамда унинг хаёлига шу савол келиб қолди. «Бўламан. Шундай бўлишга ҳаракат қиламан»...

У уйга шошади. Ота-онаси қучоғига ошиқади. Уларнинг «табриклайман қизим», дея бағрига босишларини кўз ўнгига келтириб энтикиб-энтикиб қўяди. Унинг учун бу кун — энг бахтли кун.

**М. КАРИМОВ.**

# Касбини эъзозлаётган қиз

Йиғув-механика цехига киришингиз билан қудратли дастгоҳлар шовқини қулоқни қоматга келтиради. Бир томонда автоматлашган станоклар, бир томонда роботлар ишлаб турибди. Сал нарироқда пармаловчилар...

Завод комсомол комитетининг секретари Адҳам Муллажонов бизга ҳикоя қилиб берган қиз — Маҳмуда Тешабоева Амир Эгамбердиев бошлиқ бригаданинг оддий ишчиси экан. Қисқагина салом-аликдан сўнг, у бизга унчалик эътибор бермай яна ишга киришиб кетди. Нозиккина қизнинг шундай, эпчил ҳаракатидан ҳайратландик.

У «Узбексельмаш» бирлашмасининг йиғув-механика цехида пармаловчи бўлиб ишлайди. Бир неча йилдирки, шу касбни эъзозлаб келади. Ўз ишининг моҳир устаси. Маҳмуда қисқа вақт ичида чинакамига ишлаб, коллективдаги илғор ишчилар сафидан ўрин олди.

Дастлаб, ишга келган пайтлари онаси Насиба опадан пармаловчилик касбининг сир-асрорларини қунт билан ўрганган Маҳмуда бир ой ўтмай туриб мустақил ишлай бошлади. Ишга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб борди. Маҳмуда ишлаб чиқарган деталлар техника назорати бўлими томонидан эътирозсиз қабул қилинди. Кунлик графикни доимо ортиғи билан адо этди. Шундай қилиб Маҳмуда Тешабоева тажрибали пармаловчилардан бирига айланди.

Завод ўтган йилдан бошлаб тўлиқ давлат қабулига ўтди. Бу йил эса хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Бу янгиликларни ишчилар бирдан қабул қилишмади. Бошида эътирозлар бўлди. Эскича ишлашга кўникиб қолганлар ўзини ўнглолмай юришди. Лекин, тез орада бу янгиликлар яхши самара бераётгани кўриниб қолди. Маҳсулотлар давлат қабулидан яхши ўта бошлади. Иш жараёнидаги камчиликлар аста-секин бартараф қилинди. Ҳамма янгича ишлаш принципига амал қилиб ишлай бошлади. Натижа эса ёмон бўлмади. Ҳозирги кунда ишлар маромига келиб қолди. Кунлик графикнинг бажарилиши қаттиқ назорат остига олинди. Энди аввалгидек, ой охирида, нима бўлса ҳам планни бажариш учун 12—16 соатлаб ишлашга барҳам берилди. Хусусан, Маҳмуда ишлайдиган бригада ҳам бу нуқсондан бутунлай чиқиб олди.

— Очиғини айтсам, Маҳмудага ҳавасим келади, унингдек ишлагим келади, — дейди биз билан суҳбатда Ҳайринисо опа Ражабова.

Ҳа, Маҳмуда ҳақиқатан ҳам меҳнатсевар қиз. Шунинг учун ҳам унга ўтган йил охирида «Ўз касбининг устаси» деган ном берилди.

Бу мукофот Маҳмудани яна ғайрат билан ишлашга ундади.

— Инсон омили ҳақида газеталарда, радио-телевидениеда кўп ёзилиб, гапирилмоқда. Лекин бу борада эса қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, цехимизда унумли меҳнатдан сўнг яхши ҳордиқ чиқариш имкони йўқ, — деди куйиниб Маҳмуда.

Тўғри, корхонада ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Талай муаммолар ўз ечимини кутиб ётибди. Бирлашмада клуб йўқ. Бирон бир тадбир ўтказиш керак бўлса, ошхонада ўтказилади. Стадион қурилиши оқсаяпти... Бу камчиликлар, албатта, ўз-ўзидан барҳам топмайди. Улар тегишли кишиларнинг тинимсиз елиб-югуришини талаб этади. Ҳамма баравварига жон куйдирсагина ишлар яхшиланади.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, бригада ишчилари қайта қуришни бошидан кечиришмоқда. Улар бу сўзнинг моҳиятига чуқур тушуниб етган ҳолда, гербицид сепадиган юқори сифатли машиналарга деталлар ишлаб чиқармоқдалар. Муҳими, колхоз ва совхозларга шу куннинг талабига тўлиқ жавоб берадиган техника етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ишда комсомол аъзоси Маҳмуда Тешабоеванинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

**Ж. БОБОРАҲМАТОВ,**
**«Узбексельмаш» бирлашмаси ишчиси, 7-цех техника назорати бўлими ходими.**

**⊙ СУРАТДА: 7-йиғув-механика цехи ишчиси Маҳмуда Тешабоева иш устида.**



# Пешқадам коллектив

**Бригада коллективининг кўпчилик қисми комсомол-ёшлардан ташкил топган. Унга тажрибали бинокор Маҳамадали Султонов бошчилик қилади. Яқинда бригада аъзолари яна бир муваффақиятни қўлга киритишди. Бошқарма коллективлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада пешқадам ўринни эгаллашди.**

**«Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинати 26-қурилиш бошқармасига қарашли бу бригадада ҳаммаси бўлиб 24 қурувчи меҳнат қилади. Улар турли касбларни ўзлаштириб олган мутахассислардир. Шу ўринда хўш, қисқа муддатда қандай қилиб бир қурувчи бир йўла турлича бўлган пайвандчи, ғишт терувчи, бетончилик ҳунарларини ўрганиб олиши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга бригадирнинг ўзи шундай жавоб беради:**

**— Қурувчилик — ёшларга хос касб. У чинакам тер тўкиб ишлашни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бизга эндигина мактаб ёки ҳунар-техника билим юртини туғаллаган йигит ва қизлар ишга келишади. Албатта бу оғир машаққатли ишга уларда кўникма ҳосил қилиш ўз-ўзидан бўлмайди. Шунда уларга тажрибали қурувчилар ёрдамга келишади. Дастлаб бу касб ҳақида тушунча ҳосил қилишади. Кейин эса улар ҳунар ўрганишади. Шогирдлик жараёнида ёшларга қурилишга оид бўлган барча касблар ўргатилади. Шундан кейин улар мустақил ишга кўчадилар. Турли касбларда ўзларини синаб кўрадилар. Улардан энг ёққанини асосий касб сифатида қабул қилишади.**

**Шу кунларда бу коллектив 6-Қўйлиқ массивида 9 қаватли турар жой биноси қурилишида жавлон урмоқда. Пешқадам ёшлар ушбу объектни муддатидан бир ой илгари фойдаланишга топширишга бел боғлашган.**

**М. ФЕЛЬДМАН.**

# Ёш мутахассисларга имтиёзлар

**Биз яқинда олий ўқув юртини тугатдик. Шу муносабат билан ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш ва иш жойидан бериладиган имтиёзлар ҳақидаги маълумот бизларни қизиқтирмоқда. Илтимосимизни бажо келтиришингизни сўраймиз.**

**А. АБДУРАҲИМОВ,**
**Н. НОРМУҲАМЕДОВА.**

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг 1968 йил 18 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган Низомда ва ёш мутахассисларга белгиланган амалдаги қоидаларга кўра битирувчилар тақсимот комиссияси томонидан ўзлари олган ихтисос ва малакага мувофиқ ишга юбориладилар. Комиссия дастлаб мутахассисларнинг ишлаш жойи, лавозими, ойлик маоши миқдори ҳамда уларнинг турар жой билан таъминланиши ёки таъминланмаслиги ҳақида умумий маълумот беради. Шунингдек комиссия ёш мутахассисларнинг иш юзасидан шахсий истакларини эшитади ва муҳокама қилади.

Махсус тақсимот комиссиясига узрсиз сабаблар билан келмаган шахслар сиртқи тақсимотдан ўтказиладилар.

Саноат корхоналари, қурилишлар, совхозлар ва бошқа ташкилотлар томонидан ўқишга юборилганлар ўз жойларига бориб ишлашади. Оилалилар турмуш шароитига қараб иш билан таъминланадилар. Ёш мутахассис аёллар ҳомиладор бўлган тақдирларида ёки уларнинг бир ёшга тўлмаган болалари бўлса, уларга истиқомат қилиб турган жойларидан иш берилади. Айрим ҳолларда эса мутахассисларнинг умумий қоидадан ташқари мустақил равишда ишга жойлашишларига йўл қўйилади. Ўқув юртини тамомлаб ишга юборилган барча ёш мутахассисларга иш бошлагунларига қадар ойлик стипендия миқдорида нафақа тўлаш шарти билан бир ойлик отпуска берилади. Ўзлари мустақил равишда ишга жойлашиш имконияти берилганларга эса бундай нафақа тўланмайди.

Узоқ жойларга ишга юбориладиган мутахассислар оила аъзоларининг кўчиб бориши харажатлари билан боғлиқ бўлган компенсация ва кафолот тўловларини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар ўқишни тугатганларидан сўнг, махсус тақсимот комиссияси тайинловига мувофиқ ўша жойда камида уч йил ишлаб беришлари шарт. Улар учун ишга қабул қилиш чоғида синов ўтказилмайди. Шунингдек, улар дастлабки уч йиллик иш даврида аттестациядан ҳам ўтказилмайдилар. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ёш мутахассисларни уч йил мобайнида ўз ихтисоси билан боғлиқ бўлмаган ишга ўтказишлари қатъий ман қилинади. Шунингдек, улар бу кадрларни мазкур корхона ёки ташкилотга бўйсунувчи министрликнинг рухсатисиз ишдан бўшатишлари мумкин эмас. Лекин мураккаб ишларни мустақил бажаришда ҳали тажрибага эга эмасликларини ҳисобга олиб, улардан ихтисосларига яраша ишларда фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда уларга мазкур ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган ишчилар учун белгиланган ойлик маош шартлари жорий этилади. Дастлабки олти ой мобайнида ёш мутахассисларнинг иш ҳақи миқдори техник лавозими учун белгиланган минимал маошдан кам бўлмаслиги лозим. Башарти корхона мутахассисларни ишга юбориш тўғрисидаги гувоҳномада қайд этилган меҳнат шартномаси шартлари билан таъминлай олмаса, шу корхонага буйсунувчи министрлик мутахассисга ўз системасидан иш топиб бериши шарт.

Аспирантура, клиник ординатура, олий ва ўрта махсус ҳунар-техника ва бошқа ўқув юртларини тамомлаган, ҳамда тақсимот йўли билан ишга юборилаётган мутахассисларга Ўзбекистон ССР Уй-жой кодексининг 44-моддасига биноан турар жой навбатсиз берилади.

**А. ҲАСАНОВ,**
**юрисконсульт.**

